



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
СОГЛИКНИ САҚЛАШ  
ВАЗИРЛИГИ



# Сил ҳақида нималарни билиш керак?

Умумий амалиёт шифокорлари учун  
ахборот материаллари

## **Миннатдорчилик билдириш**

Ушбу материални чоп эттириш ОИТС, сил ва безгакка қарши кураш бўйича Глобал Фонд томонидан молиялаштирилган TB-REP лойиҳаси доирасида тақдим этилган гранд асосида ҳамда PAS Маркази асосий реципиент сифатида амалга ошириши билан имкониятли бўлди. Мазкур нашрда ифода этилган муаллиф (муаллифлар) нинг фикрлари ГФ, Асосий реципиент ва TB-REP лойиҳасининг бошқа ҳамкорлари фикрлари билан мос келмаслиги мумкин.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда “INTILISH” ННТ РАТМ ходимлари Никитина Т.С., Суботин Д.Ю., Абу Шихада Ю.О. томонидан техник ёрдам кўрсатилди.

Ушбу ҳужжатни ишлаб чиқишда, унинг яратилишининг ҳар хил босқичларида қўйидагилар иштирок этдилар: РИФПИАТМ директори Парпиева Н.Н., Соғлиқни сақлаш вазирлигининг ДПТЁББ бош мутахассиси Ахмаджонов А.К., сил, ОИТС, сариқ касал бўйича бирлаштирилган дастурнинг миллий мутахассислари Гадоев Ж. ва Ибатов Х.Б., РИФПИАТМнинг даволаш қисми бўйича бош шифокори ўринбосари Белоцерковец В.Г., Тошкент ШСҚД бош шифокори Каландарова Л.Н., “Project HOPE НТ - The People-to-People Health Foundation, Inc.” Филиали томонидан амалга оширилувчи Ўзбекистондаги сил билан курашиш бўйича USAID дастури ходимлари Волик В., Чичинадзе Д., Курбанова Р., Улмасова Д., Ўзбекистон Аёллар қўмитаси раисининг ўринбосари Нурматова Ш.О.

## Сил - бу нима?

Сил – бу сил бактерияларини организмга кириб бориши билан ривожланувчи юқумли касаллик. Бунда, касаллик билан шикастланувчи асосий орган – ўпка. Камдан-кам ҳолларда миява унинг қобиғи сили, сүяклар, буйраклар, жинсий аъзолар, кўз, ичак ва бошқа органларнинг сили бўлиши мумкин.



Сил билан оғриган 75% беморларнинг энг кўпи меҳнатга қобилиятли ва репродуктив 20-40 ёшдаги инсонларни ташкил этади.


Агар силни аниқлаш ва даволаш назорат остида ва узлуксиз амалга оширилиши тўғри ташкиллаштирилган бўлса, bemorlar тез соғаядилар. Ҳозирги кунда сил касаллигининг деярли кўпчилик ҳолларини даволаш мумкинлиги исботланган.

***Сил – бу сил бактерияларини организмга кириб бориши билан ривожланувчи юқумли касаллик. Бунда, касаллик билан шикастланувчи асосий орган – ўпкадир.***

## Сил қўзғатувчиси

Касаллик қўзғатувчиси Кох таёқчаси бўлиб, у ўз номини 1882 йили кашф қилган немис олимни Роберт Кох шарафига олган. Таёқчанинг хоссаси шундаки, у жуда ҳам секин бўлинади – агар оддий бактерияга кўпайиш учун камида 30 дақиқа зарур бўлса, Кох таёқчаси эса 15 соатдан 18 соатгача кўпаяди, бу уни текширилиш вақтини сезиларли даражада узайтиради.

Силнинг микобактерияси энг “экстремал” шароитларда – совуқда, иссиқда, қорда омон қолиш қобилиятига эга, шунингчун сил ҳар хил иқлим шароитларида ривожланиши мумкин. Таёқча ёруғлик ва намликка, ҳамда кўпгина кимёвий моддаларнинг таъсирига бардошли. Бу СБ (сил бактерияси) қўзғатувчининг ташқи муҳитда узоқ вақт яшаб қолишини таъминлади.



Беморнинг балғамида, ҳаттоқи қуриб қолганида ҳам, таёқча ўзининг яшаш қобилиятини сақлаб қолади. Унинг кўпайиши учун энг қулай шароитлар – намлик, қоронғулик ва 30 дан 40 дараражагача ҳарорат. Кўча чангида микобактерия ўзининг


яшаб қолиш қобилиятини тахминан 10 кун сақлаб қолади. Аммо таёқча ультрафиолет нурларга сезгир – уларнинг таъсири остида сил қўзғатувчиси бир неча дақиқалардан сўнг нобуд бўлади. Тўғри қуёш нурлари таъсири остида микобактерия ярим соат давомида нобуд бўлади.

**Касаллик қўзғатувчиси Кох таёқчаси бўлиб, у ўз номини 1882 йили кашф қилган олим шарафига олган. Таёқча энг “экстремал” шароитларда яшаб қолиши мумкин, у кўпгина кимёвий моддаларнинг таъсирига бардошли. Бу сил қўзғатувчисининг ташқи муҳитда узоқ вақт яшаб қолишини таъминлайди.**

## Сил қандай йўл билан юқади?

Сил бактериялари ҳаво-томчи йўли орқали юқади. Улар сил билан касалланган инсонлар организмида кўпаяди. Бунда сил учун хос бўлган яллиғаниш пайдо бўлади, шундан сўнг эса тўқиманинг емирилиши ҳам вужудга келади, кавак деб номланувчи бўшлиқлар шаклланади, уларнинг ичидаги миллионлаб сил бактериялари мавжуддир. Улардан йўталганда, акса урганда, гаплашганда сил бактериялари атрофдаги ҳавога ажralиб чиқади.

### Ҳаво-томчи йўли билан юқиш



Сил бактериялари ҳавода кўп вақт давомида мавжуд бўлиши мумкин. Агар силнинг очиқ (юқумли) шакли билан оғриган bemor узоқ вақт давомида ёмон шамоллатилувчи хонада (хона-донда, ишчи хонада, касалхона палатасида, қамоқхона

камерасида) ўтказса, бу ҳавода айланиб юрган бактериялар шунчалик күпайиб кетадики, улар билан бошқа атрофдаги инсонлар нафас олишни бошлайды. Бу сил билан заарланишнинг (юқтиришнинг) ҳаво-томчи деб номланувчи асосий йўли ҳисобланади.

Шунинг учун сил бактериялари билан заарланишдан ҳеч ким ҳимояланмаган, ахир ҳаво ҳамма инсонлар учун ягона ҳисобланади.

Сил наслдан наслга ўтмайди.

**Сил таёқчаси бемор инсоннинг йўталганида, унинг аксирганида ва сухбатлашганида ҳаво-томчи йўли билан юқади. Нафақат йўтал, балғам, ҳатто чанг ҳам хавфли. Қуёш нури тушмайдиган нам жойларда сил қўзғатувчиси ойлаб яшаши мумкин. Сил наслдан наслга ўтмайди.**

## Юқиши қандай амалга ошади?

Сил билан ҳар қандай ёшда заарланиш мумкин, аммо бу айниқса ёш болалар ва организми кучсизланган катта ёшдаги инсонлар учун хавфли. Агар ён-атрофда заарланган инсон бўлса, касалланиш хавфи юқорироқ бўлади, айниқса узоқ вақт давомида ёпиқ ёки ёмон шамоллатилувчи хоналарда бўлса.

Организмнинг ҳимоялаш қўчлари яхши бўлган вазиятда касалланган bemorlar билан алоқалар узоқ вақт давом этмаса инсоннинг ўпкасига тушиб қолган сил бактериялари организмнинг иммун ҳужайралари билан йўқ қилинади ва касаллик ривожланмайди.

Сил билан касалланган инсон, қачонки у бактерияларни ташқарига ажратиб чиқарса, инфекция манбаи бўлиб қолишини билиш муҳимдир. Агар бемор даволаш муолажаларини бошлаган ва даволанишни амбулатор давом



эттираётган бўлса – у зарарли эмас.

Агар инсон соғлом, меъёрдаги яшаш шароитларида ҳаёт кечирса, яхши овқатланса – сил билан касалланиш хавфи сезиларли даражада камаяди.

**Агар бемор даволаниш курсини бошлигаган ва даволашни амбулататор давом эттираётган бўлса – у зарарли эмас.**

## Сил профилактикаси

Сил билан касалланишни олдини олиш, даволашга қараганда осонроқ. Шунинг учун, ҳар бир инсон унинг олдини олиш чораларини билиши керак.

Сил профилактикасида болаларни БЦЖ вакцинаси билан иммунизациялаш энг муҳим ролни ўйнайди. Туберкулин синамасини қўллаш билан профилактик текширувлар: Манту синамасини қўйиш, флюорографик текширувлар, касалликни эрта босқичларида аниқлаш имконини беради.



Агар организмнинг ҳимоя кучларини сусайтирувчи омилларни четлаб ўтилса: овқатланиш, меҳнат, дам олиш тартибига риоя қилинса, кўпроқ тоза ҳавода бўлиб, чекмаслик, алкоголга ружу қўймаслик, хонадагитозаликни сақлаб, шахсий идишлардан, гигиена воситаларидан фойдаланилса, ўзингизни ва атрофдагиларни сил билан зарарланишдан ҳимоялашингиз мумкин. Оилада сил билан касалланганлар аниқланганда синчковлик билан шифокорнинг тавсияларига риоя қилиш лозим.

Касалланишни эрта аниқлаш мақсадида ҳар йилги асосда

флюорографик текширишдан ўтиш тавсия қилинади.

Силни ўз вақтида аниқлаш, даволаш ва тартиб бўйича шифокорнинг тавсияларини аниқ бажариш, даволаса бўладиган касаллик эканлигини ёдда сақлаш мұхим. Қанчалик касаллик барвақт аниқланса, касалнинг организмига шунчалик кам шикастланишлар етказилади. Қанчалик у тезроқ ва тўлароқ даволанса, шунчалик атрофдаги инсонларга инфекцияни тарқатиб юбориш хавфи камроқ бўлади.

Силнинг олдини олиш учун ҳар бир инсон қуидагиларни билиши керак:

- Спорт билан шуғулланиши, соғлом турмуш тарзини олиб бориши.
- Тўғри овқатланиши – соғлом, витаминаларга бой озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиши.
- Шахсий гигиена қоидаларига риоя этиши.
- Алкоголь, чекиш ва ҳар қандай токсик моддаларни истеъмол қилишни бекор қилиши.

*Касалланишини эрта аниқлаш мақсадида ҳар йилги асосда флюорографик текширишдан ўтиш тавсия қилинади.*

### Касаллик қандай ривожланади?

Ўпка тўқимаси сил бактерияларининг кўпайиши учун қулай муҳитдир. Сил бактериялари ўпкаларга тушганда кўпайишни бошлайди ва яллиғланиш пайдо бўлади. Ўпкаларда дўнгликлар пайдо бўлиб, уларнинг емирилиши содир бўлади ва таркибидагилар нафас олиш йўлларига тушиб қолади. Шу тарзда ўз таркибида сил бактерияларига эга балғам пайдо бўлади ва шу билан юқтириш ва атрофдаги инсонларнинг касалланиш



манбаи бўлиб қолади.

Кичик ўлчамдаги сил дўнгликлари касаллик авж олган вақтда йириклишиб кетади, яллиғланишнинг катта юзалари шаклланади, ҳаттоқи парчаланишларнинг катта бўшлиқлари ҳосил бўлиши билан ўпкаларнинг барча майдонларини емирилишигача олиб боради.

Сил – секин-аста ривожланувчи ва узоқ вақт давом этувчи касаллик. Аммо ўткир, тез ривожланувчи шакллари ҳам бўлиши мумкин.

Касаллик ўз вақтида аниқланганда ва тўғри даволанганда силнинг ривожланишини энг эрта босқичларда тўхтатиш, ўпкалар ва бошқа органларнинг катта майдонларини бузилишига йўл қўймасдан тўхтатиш мумкин.

Эрта аниқланиб, ўз вақтида ва тўғри даволанганда – касалликнинг оқибати доимо ижобий бўлади

*Сил бактериялари ўпкаларга тушганда кўпайишни бошлайди, шунда яллиғланиши пайдо бўлади. Ўпкаларда дўнгликлар пайдо бўлади, уларнинг емирилиши содир бўлади ва таркибидагилар нафас олиш йўлларига тушиб қолади. Шу тарзда ўз таркибида сил бактерияларига эга балғам пайдо бўлади ва шу билан юқтириши ва атрофдаги инсонларнинг касалланиш манбаи бўлиб қолади. Эрта аниқланиб, ўз вақтида ва тўғри даволанганда – касалликнинг оқибати доимо ижобий бўлади.*

## ОИВ билан яшовчи инсонларда сил қандай ривожланади?

Сил бактериялари билан зааррланган инсонларнинг 90-95% ўз ҳаётлари давомида сил билан касалланмайдилар. Зааррланган инсонларнинг 5-10% эса мудраётган ҳолатда бўлган сил бактериялари ўз соатларини кутиб туришибди.



Иммун тизими сил инфекциясини локаллаштириш

ҳолатида бўлмаганда сил бактериялари (СБ) тез ривожланишни бошлайди. Иммун тизими сусайган шахслар касаллик ривожланишининг анча юқори хавфига дучор бўладилар. ОИВ-инфекцияси натижасида иммунитетнинг сусайиши – заарланишдан сўнг сил ривожланишига таъсир этувчи энг аҳамиятли омилдир.


ОИВ билан заарланганда силнинг ривожланиши хавфи ОИВ билан заарланмаган инсонларга қараганда 10 баробар юқорироқ. ОИВ инсонларни инфекциялар заарлашига олиб келади, улар иммун тизими меъёрдаги ҳолатда одатда инсонларнинг организмига таъсир ўтказмайди.

ОИВни ўрганишда охирги икки ўн йилликлар мудаффақиятлариға қарамай, инсониятга ОИВ-инфекция ва у билан боғлиқ касалликлар тарқалишини тўхтатиш имкони бўлмади. Сил ОИВ билан касалланган инсонлар учун жуда ҳам хавфли. Бутун дунёда сил – ОИВ билан заарланган инсонлар орасида ўлимнинг етакчи сабабчиси бўлиб қолмоқда.

*Иммун тизими сил инфекциясини локаллаштириш ҳолатида бўлмаганда сил бактериялари (СБ) тез ривожланишни бошлайди. Иммун тизими сусайган шахслар касаллик ривожланишининг анча юқори хавфига дучор бўладилар. ОИВ-инфекцияси натижасида иммунитетнинг сусайиши – заарланишдан сўнг сил ривожланишига таъсир этувчи энг аҳамиятли омилдир.*

## ОИВ билан яшовчи инсон силга текширувдан ўтиши керакми?

Ҳа. Агар ОИВ-инфекцияли бемор силга ёки ўтган даврда силга тери тести натижалари ижобий бўлмаган бўлса, унга текширувдан ўтиш зарур: туберкулин синамаси қўйиш ва турар жойи бўйича силга қарши диспансерда балғамини



текширтириш. Сил организмнинг бошқа органларида ҳам ривожланиши мүмкун бўлганлиги сабабли бошқа тестлар ва текширувлар ҳам ўтказилиши мүмкун.

Агар ОИВ-инфекцияли bemор силга салбий натижага эга бўлса, унга камида бир йилда бир маротаба сил билан касалланиш хавфига боғлиқ ҳолда мунтазам равишда текширувдан ўтиб туриш керак.

Агар bemор-она ижобий ОИВ-мақомига эга ва бола унга ОИВ ташхиси қўйилгандан сўнг туғилган бўлса, у болани ҳам 9-12 ойлик бўлганида силга текшириш зарур.

***Агар ОИВ-инфекцияли bemор силга ёки ўтган даврда силга тери тестининг натижаси ижобий бўлмаган бўлса, унга туберкулин синамаси қўйиши ва турар жойи бўйича силга қарши диспансерда балғамини текширтиши зарур.***

## **Дори воситалари силнинг ривожланишини олдини олиши мумкинми?**

ОИВ-инфекцияли инсонларда силга қарши дори воситалари касалликни ривожланишини олдини олиши мумкин.



ОИВ мавжуд бўлганда bemорга силга текширувдан ўтиш зарур. Фаол сил бўлмаганида б 6 ойлик муддатга изониазид билан профилактик даволаниш тайинланади.

Дори воситалари тўлиқ 6 ой давомида қабул қилиниши керак, чунки сил қўзғатувчиси жуда секин йўқотилади.

Ҳомиладорлик даврида ҳам сил ривожланишини олдини олиш учун силга қарши дори воситаларини қабул қилиш мумкин.

**ОИВ-инфекцияли инсонларда силга қарши дори воситалари касалликни ривожланишини олдини олиши мумкин.**

## **ОИВ билан яшовчи инсонларда сил даволаниши мүмкинми?**

Ха, мумкин, агар бемор шифокор – фтизиатрнинг ҳамма тавсияларига қатъян риоя қилиб борса. ОИВ бўлмаган bemорларни даволаш учун қўлланиувчи дори воситалари, шу билан бирга, ОИВга ижобий мақомли bemорларга ҳам қўлланилиши мумкин.

Касаллик аломатлари дори воситаларини қабул қилишни бошлагандан сўнг бир неча ҳафта давомида ғойиб бўлиши мумкин.

Сил микроблари жуда секин йўқ қилинади, даволаш одатда узоқ давом этади. Дори воситаларини номунтазам, узилишлар билан қабул қилиш силнинг турғун шаклини ривожлантириши мумкин.

Турғун силни даволаш жуда мураккаб ва камида 18-24 ой ўтказилиши керак. Шунинг учун, сил билан касалланган bemорлар, уларнинг қариндошлари, барча даражадаги тиббиёт ходимлари силни даволашда узилишларга йўл қўйиш мумкин эмаслигини билишлари шарт.

**Сил билан касалланган bemорлар, уларнинг қариндошлари, барча даражадаги тиббиёт ходимлари силни даволашда узилишларга йўл қўйиш мумкин эмаслигини билишлари шарт.**

## **Силнинг аломатлари қандай?**

Силнинг ривожланишида қўйидаги аломатлар пайдо бўлади: йўтал, қувватсизлик, 37 – 37,5°C гача тана ҳароратининг кўтарилиши, кўп терлаш, кўкрак қафасида оғриқлар, иштаҳани пасайиши, вазнни йўқотиш, чарчаш.

Силнинг бу аломатларига инсонлар кўпинча катта аҳамият бермайдилар ва тиббий ёрдамга мурожаат қилмайдилар, ёки



ўзларини үzlари даволаш билан шуғулланадилар.

Кейинчалик барча тавсифлаб берилгандар аломаттар кучайиб, уларга қон туфлаш құшилиши мүмкін.

Йұталь – сил қасаллигининг эңг ажралиб турувчи аломатидир. Агар у 2 ҳафтадан ортиқ давом етәётган бўлса, албатта силга текширувдан ўтишга юбориш керак.

**Йұталь – силнинг эңг ажралиб турувчи аломатидир. Агар у 2 ҳафтадан ортиқ давом етәётган бўлса, албатта силга текширувдан ўтишга юбориш керак.**

### Сил қанчалик хавфли?

Сил қўзғатувчилари жуда ўзгарувчан ва дори-дармонларга турғунликка тез эга бўладилар, уларни нафақат дори воситалари билан йўқ қилиш, балки аниқлаш ҳам мураккаб бўлади. Нотўғри даволаш, даволашдаги узилишлар, сурункали беморлар билан доимий мулоқотда бўлишлик ва бошқа сабаблар натижасида сил (силга қарши дори воситаларининг таъсирига турғунлик) даволаниши жуда қийин бўлган сурункали шаклга ўтиши мумкин.

**Даволашдаги узилишлар натижасида сил сурункали шаклга ўтиб, даво муолажалари ижобий натижада бермайди.**

### Бирламчи тиббий-санитар ёрдам (БТСЁ) даражасида силни аниқлаш ва текшириш

Замонавий босқичда аҳоли ўртасида ўпка силини эрта аниқлаш БТСЁ мұассасаларида умумий амалиёт шифокорлари томонидан амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунда силга тахмин қилинаётган шахсларни

текшираётганда клиник минимум аниқлаб берилган ва у қүйидаги усуулардан ташкил топган:

- аломатларни клиник баҳолаш;
- бактериологик текширув;
- нурли текширув;
- туберкулин синамаси (болаларда);
- силга экспресс-тест.

Силни текширишнинг асосий усули сил микобактериясини (СМБ) аниқлашга балғамни текшириш бўлади.



Балғамда СМБ аниқлашнинг молекуляр-генетик усулидан бири GeneXpert MTB/RIFдир, у тезликда бир вақтнинг ўзида сил ва рифампицинга (Rif) турғунликни текширувини таъминлайди.

GeneXpert MTB/RIF ҳақиқий вақтда *in vitro* ўтказувчи ярим миқдорли инили полимеразли занжир реакция (ПЗР) усулини қўллайди. Текширув жараёни вақт бўйича бор-йўғи 2 соатни эгаллади, усульнинг ўзига хослиги 100% га эришилади, юқори сезувчан балғамнинг суртмаси ижобий бўлган беморлар учун – 98 % гача. Бундай текширув усулини ўтказилиши минимал даражадаги кўниқмаларни талаб этади ва текширув ўтказиш учун алоҳида хона ажратилишиниталаб этмайди.

GeneXpert MTB/RIF тизими Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланган ва силни аниқлашнинг скрининг тести сифатида барча мамлакатларда қўлланилиш учун тавсия этилган.

***GeneXpert MTB/RIF тизими Умумжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маъқулланган ва силни аниқлашнинг скрининг тести сифатида барча мамлакатларда қўлланилиш учун тавсия этилган.***

## Сил билан курашиш дастурида БТСЁ тармоғининг роли

БТСЁ тармоғи тиббиёт ходими мажбуриятлариға қуидагилар киради:

- Ўхшаш аломатли беморда силни шубҳа остига олиш ва текширув алгоритми бўйича зарурый чораларни ўз вақтида амалга ошириш.
- Микроскопик тадқиқот учун текшириш материалнинг (балғамнинг) сифатли 2-та намунасини йиғилишини таъминлаш.
- Кўкрак қафаси органларини рентгенологик тадқиқотини тайинлаш.
- Силга шубҳа уйғотган bemорни ташхисни тасдиқлаш ва даволаш учун силга қарши диспансерга юбориш.



- Силнинг аломатлари ҳақида, тиббий ёрдам учун ўз вақтида мурожаат этиш ҳақида аҳоли ўртасида санитар-маърифий ишларни олиб бориш.
- Силга қарши хизмат бошчилиги остида амбулатор босқичда назорат қилинувчи даволашни амалга ошириш.
- Даволаш жараёнида юзага келган асоратлар ёки даволашни муддатидан олдин тўхтатиш ҳолати ҳақида силга қарши хизматга зудлик билан хабар бериш.

- Меъерий ҳужжатларга мувофиқ “хавф гуруҳидаги” шахсларни кузатиб бориш.

*БТСЁ тармоғини тиббиёт ходимининг меъерий ҳужжатларга мувофиқ энг муҳим мажбуриятларидан бири “хавф гуруҳидаги” шахсларни кузатиб бориш киради.*

**Силни аниқлаш ва текшириш бўйича умумий қоидалар (БТСЁ даражаси)**

Үпка силини аниқлашнинг асосий усули силга шубҳа қилинган шахсларнинг (клиник аломатлар ва респиратор шикоятлар) тиббий ёрдам учун мурожаат қилганларида балғамнинг бактериологик тадқиқотидир. Бу мақсадда, беморларни амбулатор қабул қилишни амалга оширувчи барча БТСЁ тиббиёт муассасаларида – поликлиникаларда, ҚОПларда - балғамни йиғиш жойлари ташкиллаштирилади, уларнинг иш вақти амбулатор қабулнинг вақти билан мос келиши керак. Ётоқ bemорларда балғамни йиғиш тиббиёт ҳамшираси томонидан уйда амалга оширилади.

***Барча БТСЁ тиббиёт муассасаларида – поликлиникаларда, ҚОПларда - балғамни йиғиш жойлари ташкиллаштирилади.***

**Қуйидаги шахсларда силга балғамни бактериологик текшириш лозим:**

- Тиббиёт муассасасига икки ҳафта давомидаги йўталга шикоят қилиб мурожаат этган шахслар. Йўтал касалликнинг мустақил кўриниши бўлиши ёки кўкрак қафасидаги оғриқлар, қон туфлаш, тез-тез нафас олиш, ҳолсизлик, кўп терлашлик, субфебрил ҳарорат каби аломатлар билан ўйғунлашуви бўлиши мумкин.
- Касалликнинг мувофиқ аломатлари мавжуд бўлган сил билан касалланган bemорлар (балғам кўчиб чиқиши, йўтал) билан алоқада бўлган шахслар.
- Силга нисбатан шубҳа уйғотган ўпка майдонларидағи рентгенологик ўзгаришларига эга бўлган шахслар.
- Нафас олиш органларининг сурункали носпектифик касалликлари (зўриқиши даврида) билан азият чекувчи “хавф гуруҳи”даги шахслар.

***Икки ҳафтадан ортиқ давомий йўталга шикоят билан тиббиёт муассасасига мурожаат қилган шахслар, силга балғамни бактериологик текширувдан ўтишлари керак бўлади.***

### **Силга шубҳа уйғотган bemорни текшириш**

Нафас олиш органлари силига шубҳаланган bemор мурожаат қилган

жой бўйича бевосита тиббиёт муассасасида текширилади, бу ерда назорат остида икки микдордаги (биринчиси – мурожаат қилган вақтида, иккинчиси – йигилгани, иложи борича, эрталабки вақтдаги) балғам йиғиш ўтказилади, кейинчалик уни маҳсуслаштирилган лабораторияга бактериологик тадқиқот ўтказилиши учун юборилади. Муассаса мувофиқ ускуналарга, ўқитилган ходимларга (БТСЁ тиббиёт ҳамшираси) ва силнинг инфекцион назорати талабларига жавоб бериши керак.

Кислотага чидамли бактерияларга (КЧБ) балғамнинг икки микдоридан ҳеч бўлмаганда бирида микроскопик тадқиқотнинг натижаси ижобий олинганда, bemorлар турар жойи бўйича силга қарши муассасага текширувни давом эттириш учун юбориладилар.

КЧБга балғамни бактериологик тадқиқот натижалари икки карра салбий бўлганда, bemorлар кўкрак қафаси органларининг флюорографиясига ёки рентгенографиясига юборилади. Кейинги тактика рентгенологик тадқиқотларнинг натижалари билан аниқлаб берилади. Милиар силга шубҳаланган bemorлар зудлик билан силга қарши муассасага юборилади, бронхитни ёки зотилжамни дифференциал текширувни ўтказиш зарурати туғилганда эса 2 ҳафта (14 кун) давомида антибиотикларнинг кенг таъсир спектри тест-терапияси тайинланади. Клиник-рентгенологик динамиканинг мавжуд бўлмаганида ёки жараённинг торпид кечишида bemor силга қарши муассасага юборилади.

**Нафас олиш органлари силига шубҳаланган bemorлар мурожаат қилган жой бўйича бевосита тиббий муассасада текширилади.**

## Силни қандай даволаса бўлади?

Силнинг давоси бор.

Силни даволаш учун bemorга 4-5 силга қарши дори воситаларини қабул қилиш зарур бўлади. Силни даволаш бутун давр мобайнида назорат қилиб турилиши керак, яъни тиббиёт ходимлари мунтазам равишда bemorлар дори воситаларини қабул қилаётганини назорат остида ушлаб туришлари керак. Бу муваффақиятли даволаш учун

асосий шароитдир, чунки күпчилик иң сонлар кераклидори воситаларини ўз вақтида қабул қилишни унтушиб қўядилар.

Силни даволаш узоқ вақт, камида 6-8 ой давомида бажарилади. Фақат шу давр ичидаги барча сил бактерияларининг йўқотилишига эришилади. Назоратсиз, нотўғри даволашда сил қийин даволанувчи касалликка айланиши ва уни даволаш вақти 2 йилгача давом этиши мумкин.



Силдан тузалиб кетиш учун bemorlararga қўйидагилар зарур:

- Шифокорга ўз вақтида мурожаат қилиш.
- Шифокор назорати остида даволаш курсини тўлиқ ўтиш.
- Шифокор томонидан тайинланган силга қарши дори воситаларини қабул қилиш ва даволанишда үзилишларга йўл қўймаслик.
- Шифокорнинг барча кўрсатмаларини ўз вақтида бажариш, чунки даволашнинг натижаси шунга боғлиқ.

### **Сил кўпинча даволанади!**

### **Силни даволаш ҳақида нималарни билиш зарур?**

Силни даволаш 2 фазага бўлинади, улар орасида дори воситаларини қабул қилишни үзилишига йўл қўйиш мумкин эмас.

Биринчи фаза – бу интенсив даволаш, бунда bemor силнинг сезувчан шаклида 2-3 ой давомида 4-5 силга қарши дори воситаларини ва силнинг турғун шаклида 8 ойгача 5-6 дори воситаларини қабул қилиши керак.

Кейинчалик даволашнинг иккинчи қувватлаб турувчи фазасида



силнинг сезувчан шаклида 4-5 ой давомида яна 2-3 дори воситасини ва силнинг турғун шаклида 12 ойдан ортиқ 3-4 дори воситасини қабул қилишни давом эттириш зарур.

Силни даволашда иммунитетни мустаҳкамлаш учун ҳар хил ҳалқ табобати воситалари: қимиз, туя сути, асал, асалари елими, ёнғоқлар, доривор ўсимликларни қўллаш мумкин. Аммо шуни ёдда тутиш керакки, барча санаб ўтилганлар сил бактерияларини ўлдирмайди, демак, асосий даволаш ҳисобланмайди.

Бундан ташқари, касалликнинг эрта босқичларида баъзи воситалар жараёнларнинг генерализацияланишига турткি бўлиши мумкин. Шунинг учун, ҳалқ табобати усуllibарини эҳтиёткорлик билан ва фақат фтизиатр билан маслаҳатлашгандан сўнг қўллаш мумкин.

**Силни даволаш 2 фазага бўлинади, улар орасида дори воситаларини қабул қилишни узилишига йўл қўйиш мумкин эмас. Ҳалқ табобати усуllibарини эҳтиёткорлик билан ва фақат фтизиатр билан маслаҳатлашгандан сўнг қўллаш мумкин.**

## ОИВ-инфекцияли bemорларда силнинг ўтиш хусусиятлари

Силнинг ўтиши ОИВда иммунтанқисликнинг босқичи ва даражасига боғлиқдир. Бошланғич босқичларда енгил ёки мўътадил иммунтанқислигида сил ривожланади, у одатдаги силдан кам томонлари билан фарқ қиласди. Иммунитетнинг пасайиб бориши одатда ўпка сили ва ўпкадан ташқаридаги сил ривожланишига олиб келади. Ҳаммасидан ҳам кўпроқ булар қаторига зотилжам, лимфаденопатия, перикардит, миллиар сил, менингит ва тарқалган сил киради.

ОИВ инфекцияси – сил касаллигини хавфини оширувчи энг асосий омилдир.

**ОИВ инфекцияси – сил  
касаллигини хавфини оширувчи  
энг асосий омилдир.**

## **Силни даволашда пайдо бўлувчи ножўя таъсирлар**

Сил билан касалланган беморларнинг биринчи аниқланган 5-10 % да даволаш вақтида силга қарши дори воситаларига қўйидаги ножўя таъсирлар пайдо бўлиши мумкин: иштаҳани йўқолиши, кўнгил айниши, қусиш, тери қичишиши, қориндаги оғриқлар, кўзнинг оқ пардаси ва терининг сарғайиши, бўғимлардаги оғриқлар, қулоқлардаги шовқин, ҳаракатланиш бекарорлиги, кўриш қобилиягини бузилиши.

Амалдаги барча санаб ўтилган аломатлар бартараф этилиши мумкин ва асосий даволашни бекор қилишни талаб этмайди. Бу ўзгаришлар ҳақида bemor ўзининг даволовчи шифокорига хабар бериши керак.

Силга қарши дори воситаларини уларга юқори сезувчанлик натижасида асосланмаган бекор қилиниши сил бактерияларининг мультирезистентлигининг (турғунлигининг) ривожланишига ва касалликнинг қийин даволанувчи сурункали шаклларига олиб келиши мумкин.

**Силни даволашда пайдо бўлувчи амалдаги барча аломатлар бартараф этилиши мумкин ва асосий даволашни бекор қилишни талаб этмайди. Бу ўзгаришлар ҳақида bemor ўзининг даволовчи шифокорига хабар бериши керак.**

## **Силни назоратсиз, нотўғри даволаш нимаси билан хавфли?**

Силни нотўғри даволаш натижасида, асосан силга қарши дори воситаларини қабул қилишдаги узилишлар туфайли касаллик кўпинча қийин даволанади. Унинг анча хавфли бўлган шакллари –



**миқдори кўп дори воситаларига турғун сил (МДТ-сил),** бунда сил бактериялари асосий силга қарши дори воситалари (минимум рифампицинга ва изониазидга) таъсирига бардошли бўлиб қолади ва **кенг дори воситаларига турғун сил (КДТ-сил)** ҳар қандай фторхинолонга ва иккинчи қатор силга қарши инъекцион дори воситаларининг учтасидан бирига қўшимча турғунликка айланади.

Миқдори кўп дори воситаларига турғун силни даволаш жуда мураккаб ва 18-24 ой давомида ўтказилади, яъни силнинг сезувчан шаклини даволашга қараганда 3-4 маротаба кўпроқ.



Шунинг учун, сил билан касалланганлар, уларнинг қариндошлари ва барча даражадаги тиббиёт ходимлари силни даволашда жуда пухта бўлиши керак. Даволаш вақтида ҳеч қандай танаффусларга йўл қўйилмаслик кераклигини билишлари шарт.

*Силни нотўғри даволаш натижасида, асосан силга қарши дори воситаларини қабул қилишдаги узилишлар туфайли касаллик кўпинча қийин даволанади. Шунинг учун, сил билан касалланганлар, уларнинг қариндошлари ва барча даражадаги тиббиёт ходимлари силни даволашда жуда пухта бўлиши ва даволаш вақтида ҳеч қандай танаффусларга йўл қўйилмаслик кераклигини билишлари шарт.*

## Силни даволашнинг шароитлари

Беморнинг ҳолатига, касалликнинг тарқалганилигига ва оғирлигига боғлиқ ҳолда силни даволаш амбулатор ёки стационар шароитида бўлиши мумкин.

Амбулатор даволаш ўйда ўтказилиши ёки bemorlarning ўзлари даволаш муассасасига келиб даволанишлари мумкин.

Стационар даволаш bemorни шифохонага жойлаштириш билан

амалга оширилади.

**Силни даволаш амбулатор ёки стационар шароитида бўлиши мумкин.**

## **Беморлар учун силни амбулатор даволашнинг афзаликлари**

Ўзбекистонда силни амбулатор даволаш бўйича мавжуд бўлган тажрибасига асосан қўйидаги хуносалар қилинган:

- Амбулатор даволашнинг жадал босқичидан ўтган силнинг турғун шаклига эга бўлган bemorlarning даволаш натижалари шифохонага жойлаштирилган bemorlarning даволаш натижалари билан ўхшашдир.
- Амбулатор даволанаётган bemorlarда дори воситаларига ножўя таъсирлар шифохонага ётқизилганларга қараганда камроқ аниқланади. Шуни таъкидлаш жоизки, стационар босқичдаги ножўя таъсирларнинг пайдо бўлишида bemoriga кўрсатилувчи хизматларнинг сифати, бепул лаборатор хизматлар ва тор мутахассис-шифокорларнинг маслаҳатлари каби ҳам юқори.
- Даволашнинг амбулатор модели bemorlar учун анча қулай.
- Даволашнинг амбулатор модели стационарга қараганда арzonроқ.



**Даволашнинг амбулатор модели bemorlar учун анча қулай ва стационар даволашдан арzonроқ бўлади.**

## **Сил билан касалланган беморларни уйда даволашда нималар зарур?**

Даволашнинг эрта босқичларида сил билан касалланган беморларни амбулатор даволаш имкониятларини таъминлашнинг қўйидаги бир қатор объектив омиллари мавжуд:

- Силни даволашга содиқлик.
- Алоҳида хонанинг мавжуд бўлиши.
- Ушбу ўчоқда 18 ёшга тўлмаган болаларнинг, ҳомиладор аёлларнинг ва катта ёшдаги одамларнинг бўлмаслиги.
- Инфекцион назорат чораларига хонада риоя этилиши.
- Беморни парвариш қилаётган шахснинг мавжудлиги.
- Беморни уйда даволаш учун силга қарши дори воситаларини мунтазам, узлуксиз келтирилиши.
- Участка шифокори томонидан bemорни бир ойда 2 мартадан кам бўлмаган, фтизиатр томонидан эса бир ойда 1 маротабадан кам бўлмаган доимий кўргиги ва маслаҳатлари.
- Беморда сил бактериялари ажралиб чиқиш даврида тиббиёт/парваришловчи ходимларида респираторнинг мавжудлиги, унинг тўғри ишлатилиши ва bemорнинг ўзи ҳам ниқобчадан фойдаланиши зарур.

**Даволашнинг эрта босқичларида сил билан касалланган беморларни амбулатор даволаш имкониятларини таъминлашнинг бир қатор объектив омиллари мавжуд.**

### **Силда овқатланиш**

Сил билан касалланган bemорнинг овқатланиш рационида оқсилга бой маҳсулотлар ва витаминалар етарлича миқдорда бўлиши керак. Овқатланишда сут маҳсулотлари, сабзавотлар ва мевалар, ҳар хил шарбатларни истеъмол қилиш зарур.

Сил билан касалланган беморларнинг уйқу ва дам олишларига етарлича вақт ажратилганда тезда тузалиб кетадилар (кунига 8-10 соат). Тоза ҳавода узоқ вақт давом этмайдиган сайрлар тавсия

этлади. Даволашнинг иккинчи фазасида кучи етадиган енгил меҳнатни бажариш мумкин. Соғлом турмуш тарзи – бу силни профилактикаси ва унинг рецидивларини муваффақиятли даволаш кафолатидир.

*Соғлом турмуш тарзи – бу силни профилактикаси ва унинг рецидивларини муваффақиятли даволаш кафолатидир.*



## Силни даволашда меҳнат ва дам олиш тартиби

Сил билан касалланган беморга тез тузалиб кетиши учун үзайтирилган уйқу, барқарорлаштирилган кун тартиби зарур, бунда унинг организми учун қулай ҳолаттағы минданади.

Тұғри тартибни үрнатыш учун беморга үзайтирилган уйқу, кун давомида минимум икки соатли дам олиш, иложи борича тоза ҳавода вақт үтказиш: узоқ вақт бўлмаган сайдрлар, очиқ айвонда ётиш, ҳаво ванналарини қабул қилиш шарт.

Бемор юқумсиз бўлиб қолганидан сўнг у енгил, кучи етадиган меҳнат билан шуғулланиши мумкин. Иш қуйидагича бўлиши керак:

- чарчатмайдиган;
- зарарли бўлган ишлаб чиқаришда эмас;
- катта жисмоний юкланишларсиз;
- қуруқ, илиқ, яхши шамоллатиб турилувчи хоналарда;
- уйқуни бузмасдан (яъни кунлик навбатчиликларсиз);
- овқатланиш имконияти билан.

*Тұғри тартибни үрнатыш учун беморга үзайтирилган уйқу, кун давомида камида икки соатли дам олиш, иложи борича тоза ҳавода вақт үтказиши тавсия қилинади.*

## **Силдан даволанғандан сұнг беморларнинг реабилитацияси**

Силни ўтказған инсон биринчи галда ўзининг турмуш тарзини ўзgartыриши лозим. Агар унинг фаолияти заарарлы мәхнат шароитлари билан, кирланған хоналарда мунтазам бўлишликларга боғлиқ бўлса, у ҳолда бундай ишни алмаштириш керак. Тунги дам олиш вақтини 8-9 соатгача ошириш, кунлик тартибга 2-соатлик кундузги үйқуни киритиш, жисмоний юкланишни чеклаш, ҳар куни тоза ҳавода бўлиш, стрессли вазиятлардан нарироқ бўлиш керак.



Нафас олиш йўлларини шамоллаш касалликларидан ҳимоялаш учун чекишниташлаш ва организмни аста-секин чиниқтиришни бошлаш керак. Бироқ, узоқ вақт очиқ қуёшда бўлиш тақиқланади, чунки кўйдирувчи нурлар яллиғланиш жараёнини қўзғатиши мумкин. Тоза ҳавода яёв сайрлар, енгил гимнастика, сузиш тавсия этилади.

Реабилитацион даврнинг муҳим қисми диетотерапия бўлади, шунинг учун bemor тайинланган овқатланиш тартибига сўзсиз риоя қилиши керак. Овқатланишда енгил ҳазм бўлувчи оқсилларни уларнинг организмдан сезиларли йўқолганлиги боис истеъмол қилиниши устунликка эга. Оқсил шикастланган ўчоқдаги тўқималарни тикланишига ёрдам беради, касаллик даврида сарф қилинган қувватни тўлдиради. Бир вақтнинг ўзида ёғларни (айниқса ҳайвоний ёғларни) ва углеводларни истеъмол қилинишини чеклаш талаб этилади.

### **Касалликдан сұнг реабилитация қоидалари:**

- Мәхнат ва дам олишнинг энг мақбул тартиби;
- Жисмоний юкланишни чегаралаш;
- Тоза ҳавода кўпроқ вақт ўтказиш;

- Стресс ҳолатларининг мавжуд бўлмаслиги;
- Организмни аста-секин чиниқтириш;
- Диетотерапия.

**Реабилитацион давринг муҳим қисми диетотерапия бўлади. Овқатланишда енгил ҳазм бўлувчи оқсилиларни истеъмол қилиниши устунликка эга.**

### **Сил билан касалланган bemор томонидан риоя этилиши учун зарур бўлган қоидалар**

Сил билан касалланган bemорлар атрофни ўраб турган инсонларга юқтирумасликни олдини олиш бўйича тадбирларни бажаришлари зарур. Энг муҳими шифокор томонидан тайинланган муддатгача узлуксиз даволаниш бўлади.

Йўталганда ва аксирганда оғизни салфетка билан ёпиш керак, кейинчалик у дезинфекцияланади ёки йўқ қилиб ташланади. Сил билан касалланган bemорлар бошқа инсонлар, айниқса болалар билан, мулоқотни чеклашлари керак, токи балғам билан сил бактерияларини ажралиб чиқиши турғун тўхтагунича (балғам текширувлари салбий бўлиб қолиши керак).

Сил билан касалланган bemорлар жойлашган хона (палата) тез-тез шамоллатиб турилиши керак. Бу тадбирлар оила аъзоларини, айниқса болаларни, ҳамда қариндошларни, дўстларни, ҳамкасларни ва жамиятнинг бошқа аъзоларини силни юқтиришлари ва касалланишларидан самарали ҳимоя қиласди.



**Йўталганда ва аксирганда оғизни салфетка билан ёпиш керак, кейинчалик у дезинфекцияланади ёки йўқ қилиб ташланади.**

**Агар bemорнинг қариндоши сил билан касалланган бўлса**

Агар беморнинг оила аъзоларидан бирор бирига “сил” ташхисини қўйишган бўлса, бу инфекциядан қолганларни, айниқса болаларни, сақлаб қолиш муҳимдир. Авваламбор хонада дезинфекцияни ўтказиш зарур. Сўнгра, соғлом инсонларни заарланишини олдини олиш учун барча чора-тадбирларни амалга ошириш керак. Беморга алоҳида сочиқ, бўлак совун ва тиш чёткасини ажратиш, устига-устак уларнинг барчаси бошқа анжомлардан алоҳида изоляцияланган бўлиши керак. Унинг учун идишлар жамланмаси худди шундай тарзда алоҳида бўлиши керак. Кирланган ликобчаларни, финжонларни ва қошиқларнинг устидан авваламбор қайноқ сув қўйилади ва сўнгра улар ювилади.

Хонани мунтазам шамоллатиш, кунора нам йиғишириш ва уйни ўта тоза ҳолатда ушлаб туриш катта аҳамиятга эга. Бемор билан яқинликда яшовчиларнинг барчаси тизимли текширувлардан ўтиб туришлари зарур. Бунда шуни ёдда тутиш лозимки, фақат очиқ шаклдаги сил билан касалланган инсонлар бактерияларни ажратиб чиқаради. Агар даволаш муваффақиятли бўлган бўлса ва касаллик ёпиқ шаклга ўтган бўлса, юқиш амалга ошмайди.

***Фақат очиқ шаклдаги сил билан касалланган инсонлар бактерияларни ажратиб чиқаради. Агар даволаш муваффақиятли бўлган бўлса ва касаллик ёпиқ шаклга ўтган бўлса, юқиш амалга ошмайди.***

## **Силни даволашнинг тўлиқ курсини якунлагандан сўнг бемор нималарни билиши зарур?**

Сил бактерияларининг ажралиб чиқилиши узоқ вақт кечади, турғун якунланиш кузатилганда даволаниш самарали ҳисобланади, яъни балғамнинг микроскопик текширув натижалари манфий бўлиб қолади. Бундай вазиятларда шифокор силдан даволангандикни ўрнатади ва инсон ўз яқинларини ва атрофдагиларни сил билан зарарлашдан қўрқмасдан одатий яшаш тарзини давом эттириши мумкин.

Номақбул факторларда (ёмон овқатланиш, тез-тез совуқ қотиш, чарчоқ, алкоголни суиистеъмол қилиш, наркотик моддаларини

қабул қилиш ва бошқалар) инсонларнинг 2-3% да сил қайта пайдо бўлиши мумкин.

Шунинг учун, сил билан касалланиб чиқсан барча инсонлар йўтал ва бошқа аломатлар такроран пайдо бўлганлигини сезгандарида, силга микроскопик тадқиқот учун балғамни топширишлари зарур.

Соғлом турмуш тарзи энг яхши профилактика ва силни муваффақиятли даволашнинг кафолати эканлигини ҳам ёдда тутиш мұхимдир.

*Номақбул ҳолатларда 2-3% одамларда сил қайта вужудга келиши мумкин. Йўтал ва бошқа аломатлар қайта пайдо бўлганда, силга микроскопик текшириш учун балғамни топшириш зарур.*

### **Сил билан касалланган беморларга тиббий ёрдам ҳақида беморлар Хартияси**

Беморлар Хартияси – сил билан касалланган инсонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари тавсифлаб берилган ҳужжат.

Шу билимларга эга бўлганлик шарофати билан шу касаллик билан касалланган инсонлар ва уларнинг жамоалари ўзларининг имкониятларини кенгайтириб бормоқда. Дунёning ҳар томонидаги беморларнинг ташаббуси бўйича ишлаб чиқилган Хартия тиббиёт хизматларини таъминловчилар билан муносабатларни ўзаро фойдали қилмоқда.



## **Сил билан касалланган беморларнинг ҳуқуқлари**

Хартияга мувофиқ сил билан касалланган беморлар ўз ҳуқуқларига эгадирлар, қўйидагилар уларнинг қаторига киради:

- Ресурсларга, ирққа, ёшга, тилга, юридик мақомига, эътиқодига, маданиятига ёки бошқа касалликнинг борлигига боғлиқ бўлмаган ташхисдан даволашни якунлагунча силга қарши ёрдамга эркин ва тенг ҳуқуқли эришиш ҳуқуқи.
- Ҳурмат ва қадр-қимматни сақлаб, соғлиқни сақлаш ва маъмурият ходимлари томонидан тамғасиз, соxта фикрларсиз ёки камсишишсиз даволанишга ҳуқуқ.
- Тиббий ҳолат, ташхис, прогноз (касалликнинг келажакдаги ривожланиш эҳтимолига нисбатан фикр), таклиф этилган даволаш, умумий хавфлар ва эҳтимолли альтернативаларнинг ўз вақтида, қисқа ва тушунарли тушунтиришларга ҳуқуқ.
- Олдинги тиббий ҳужжатларга эришиш билан иккинчи тиббий фикрга ҳуқуқ.
- Фақат bemor билан келишувдан сўнг бошқа инстанцияларга тиббий ҳолатга тааллуқли сирли маълумотларни бериш ҳуқуқи.
- Текширувдан ёки даволашдан ва мувофиқ тикланишдан сўнг ишни сақлаб қолиш ҳуқуқи.

## **Сил билан касалланган беморларнинг мажбуриятлари**

Хартияга мувофиқ bemorлар ҳуқуқлар билан бирга мажбуриятларга ҳам эгадирлар, қўйидагилар уларнинг қаторига киради:

- Оилавий алоқалар, яқин дўстлар билан алоқалар ва заарланган инсонлар билан алоқалар хусусида соғлиқни сақлаш ходимларига маълумотларни тақдим этиш.
- Даволашнинг тайинланган ва келишилган режаси ва схемасига риоя қилиш, bemornи ва уни атрофдагиларни соғлиғини ҳимоялашга йўналтирилган йўриқномаларни сидқидилдан бажариш.

- Мукофотлаш, тушунтириш ва тавсия қилиш йўллари билан сил аломатлари аниқланган шахсларни соғлиқни сақлаш тизимига жалб этишга ёрдам бериш.
- Бошқа беморларга ва соғлиқни сақлаш ходимларига, бу силга қарши Уюшманинг мұхим ва муносиб асоси эканлигини тушуниб этиб, ахборот бериш ва ҳуқуқларини тушунтириш.
- Даволанишга биргаликда интилиш учун бирдамликка ва бошқа беморларга ёрдам беришга маънавий масъулиятни ўз зиммасига олиш.
- Жамиятни сил юқидан озод қилишга кучларни сарф қилиш ва бошқалар.

**Беморлар Хартияси – сил билан касалланган инсонларнинг ҳуқуқ ва маజбурияtlари тавсифлаб берилган ҳужжат.**

### **БССТ нинг “Силни йўқ қилиш” стратегияси**

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва сил ва ўпка касаллклари билан курашишнинг Халқаро иттифоқи сил билан курашишда “Силни йўқ қилиш” стратегиясини қўллашни тавсия этади, утиббиёт ва маъмурий тадбирларнинг комплекстизими бўлади.

**Стратегия мақсади:**



Силнинг глобал эпидемиясини тўхтатиш.

**Мақсадли кўрсаткичлар:**

- 2015 йил билан солиширилганда 2035 йилга келиб силдан ўлим миқдорини 95% га пасайтириш.

- 2015 йил билан солиширилганда 2035 йилга келиб сил билан касалланиш күрсаткичини 90% га пасайтириш.
- Сил билан касалланган беморлари бўлган оиласардан бирортаси ҳам 2035 йилга келиб катта харажатларга эга бўлмаслиги керак.

### **Стратегия тамоийиллари:**

- Давлат томонидан раҳбарлик қилиш ва масъулият, мониторинг ва баҳолашни ўтказиш.
- Фуқаролик жамиятлари ва маҳаллий аҳоли ўртасида чамбарчас ҳамкорлик.
- Инсон ҳуқуқлари, одоб-ахлоқ меъёрлари ва ҳаққонийлик тамойилининг ҳимояланиши ва уларга риоя этилиши.
- Глобал ҳамкорликда мамлакат даражасида стратегия ва вазифаларнинг мослашиши.

### **Стратегиянинг асосий элементлари ва таркибий қисмлари:**

- Беморга йўналтирилган комплекс даволаш ва профилактика.
  - Силни бошиданоқ аниқлаш, шу қаторда дори воситаларга сезувчанликка умумий тестни ўтказиб, алоқада бўлган ва "юқори хавфлилик гуруҳидаги" шахсларни тизимли текшириш.
  - Сил билан касалланган ҳамма шахсларни даволаш, шу қаторда дори воситасига турғун сил ва беморларни қўллаб-қувватлаш.
  - Сил/ОИВ билан курашишнинг ҳамкорликдаги чоралари ва биргаликда кечувчи касалликларни олиб бориш.
  - Юқори хавф таъсири остига тушиб қолувчи шахсларни профилактик даволаш ва силга қарши эмлаш.
- Кучли сиёsat ва қўллаб-қувватловчи тизим.
  - Силни даволаш ва профилактикаси учун адекват ресурслар билан сиёсий қўллаб-қувватлаш.

- Фуқаролик жамиятининг жамоалари, ташкилотларини ҳамда ёрдам берувчи давлат ва хусусий етказиб берувчиларнинг иштироки.
  - Соғлиқни сақлаш хизматларини умумий қамраб олиш сиёсати ва касалланиш ҳодисалари ҳақида хабарлаш учун меъёрий-хўқуқий база, фуқаролик ҳолатини қайд қилиш, дори воситаларини сифати ва фойдали ишлатилиши, ҳамда инфекцион назоратни таъминлаш.
  - Ижтимоий ҳимоя, қашшоқлик билан курашиш ва силнинг бошқа детерминантларига таъсир ўтказиш.
- 
- Тадқиқотлар ва инновацияларни жадаллаштириш.
    - Янги воситалар, амалий чоралар ва стратегияларни очиш, ишлабчиқишиш ва тезкор тадбиқ этиш.
    - Амалга ошириш ва таъсир этишини оптималлаштириш учун илмий тадқиқотлар, инновацияларга ёрдам бериш.

**Бутунжакон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Сил ва ўпка касалликлари билан курашии Халқаро иттифоқи сил билан курашишда “Силни йўқ қилиш” стратегиясини қабул қилишини тавсия этадилар.**



## **Республика ихтисослаштирилган фтизиатрия ва пульмонология илмий-амалий тиббиёт маркази**

Тошкент ш., Шайхонтохур тумани, Алимова кучаси, 1. Индекс: 100086  
Телефон: +998 (71) 278-04-70 / +998 (71) 278-15-28,  
Факс: +998 (71) 278-04-70

---

Мұхарріп: Д.Сагатова

Компьютерда тайёрловчи: МЧЖ «PREMIER PRINT»

Нашриёт лицензиясы АI № 263 31.12.2014

Босишга рұхсат этилди 00.00.2018 й. Бичими 60x90 1/16

«Calibri» гарнитураси. Офсет босма усулида босилди.

Босма табоги 1,75.

Адади 500 нұсқа

«BAKTRIA PRESS» МЧЖ Нашриёт үйі

100000, Тошкент, Буюк Ипак Иўли мавзееси, 15-25

тел.: +998 (71) 233-23-84

МЧЖ «PREMIER PRINT» босмахонасида чоп этилди

УК 616-002.5

КБК 55.4

Сил ҳақида нималарни билиш керак?

Умумий амалиёт шифокорлари учун

ахборот материаллари

Тошкент : Baktria press, 2018. - 28 б.

ISBN 978-9943-5092-9-0

© РИФПИАТМ, 2018

© Baktria press, 2018